

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ, ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Жиззах давлат педагогика институти  
Педагогика ва психология факультети  
Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси  
Сиддиқова Санобар Хайдаровна

**Аннотация:** Ушбу мақолада ёш авлодни шакиллантиришда билиш қобилиятинин ошириш, ижод салоҳиятини такомиллаштириш ҳақида фикрлар юритилган.

**Калит сўзлар:** Ижодкор шахсни ривож, интерфаол таълим, тарбия жараёни, технология, мустақил фикр, ахлоқий-маънавий.

## INCREASING STUDENT KNOWLEDGE AND CREATIVE ACTIVITY IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Jizzakh State Pedagogical Institute  
Faculty of Pedagogy and Psychology  
Lecturer of the Department of  
General Pedagogy Siddikova  
Sanobar Khaydarovna

**Abstract:** This article focuses on the formation of the younger generation, the development of cognitive abilities, the improvement of creative potential.

**Keywords:** Creative personality development, interactive education, educational process, technology, independent thinking, moral and spiritual.

Ўзбекистон таълим тизимида замонавий ўқитиш технологияларини жорий этиш, ўқувчиларда билиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш таълим ислохотларининг асосини ташкил этади. Маълумки, мустақил

фикрловчи, ақлан етук, руҳан тетик, маънан баркамол шахсни тарбиялаш гоёси инсониятнинг пайдо бўлиши давридан бошланган бўлиб, у шу даврлар оралиғида босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Таълим тушунчаси билим бериш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш жараёни сифатида намоён бўлади. Таълим жараёни кўплаб билимлар ўзлаштирилиши ва ана шу жараёнда тарбия амалга оширилишини таъминлайди. Таълим инсонни ҳаётга, меҳнатга, ижтимоий муҳитга тайёрлашнинг асосий воситасидир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим жараёнига эътибор кучайтирилди. Таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистоннинг келажаги ҳисобланмиш ёш авлоднинг жаҳон андозаларига мос равишда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашлари, ўзларида мавжуд қобилиятлар, билим, кўникма ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш ҳамда юзага чиқаришлари борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда илм-фан, таълим соҳасини ривожлантириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Айнан мана шу ишларнинг асоси сифатида 1997-йил қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги (янги таҳрирда 2020 йилда қабул қилинган) қонунга эътибор қаратайлик. Ушбу қонун Республикамизда таълимнинг вазифаси, таълимнинг ўрни, таълим бўйича чет эл давлатлари билан ҳамкорлик қилиш, таълим муассасалари учун янги ўқув режаларини ишлаб чиқиш, таълим тизимида янгиликлар яратиш каби кўплаб соҳаларда янги қадамларни юзага келтирди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таълимни ташкил этиш, илм-фан, таълим тизими борасида қаратаётган эътиборлари, амалга ошираётган ислохотлари ёш авлоднинг келажакка интилиши, ишонч кўзи билан қарашга катта асос бўлмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йил 7-февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида асосан илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш борасида кўплаб вазифалар белгиланган. Ушбу стратегияда янги таълим муассасаларини

бунёд этиш, капитал таъмирлаш, лабаротория ва замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув материаллари билан таъминлаш назарда тутилган. Таълим тизими соҳасида Олий таълимга, уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Хусусан, 2017-2021- йилларда Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилгани ҳам Олий ўқув юртлари ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилди, десак, адашмаймиз. Демак, биз таълим тушунчасини билимларнинг ўзлаштирилиши, натижада эгалланган билимларнинг ҳаётга, ижтимоий муҳитга мослашишга хизмат қилиши сифатида тушунтириб ўтдик.

Таълим-тарбия воситаси эса ғайритабиий кучга эга деб, тасаввур қилинган нарса ва ходисалардан иборат бўлган.

Мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш бўйича бугунги кунда таълим-тарбия тизимидаги ўрнига келганда, айрим анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирувчи, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи интерфаол таълим методлари билан бойитиш мақсадга мувофиқдир. Таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи интерфаол таълим методларининг педагогик-психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар ва мустақил фаолият юритиш натижасида таълим олувчи шахсида ижодкорлик хислатлари шаклланади. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ижтимоий-гуманитар фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг билиш ва ижодий фаоллигини оширишнинг педагогик-психологик усуллари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олган.

Шунингдек, дарс жараёнини оқилона ташкил этиш, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда турли хил замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш ва таълим

олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. П.Я.Гальперин назариясига мувофиқ, ўқитувчининг роли тахминан қуйидагича бўлади: болалар ўзлаштириши керак бўлган материал порциясини ажратиб олиб, ўқитувчи, болаларнинг айнан қандай иши бу материалга мослигини ўйлаб олади. Дастлабки таништириш босқичининг асосий мақсади – ўқувчиларни керакли ишни мустақил бажаришга тайёрлаш ва бундай ишни дарҳол ташкил этишдир. Анъанавий педагогика нуқтаи-назаридан вазиятғалати кўринади – болалар ҳали ҳеч нимани билишмайди, аммо янги билимлар билан ишлашлари керак. П.Я.Гальпериннинг ўзи бундай тавсифлайди: “Боланинг интеллектуал имкониятлари муаммоси масаласида ва саъй-ҳаракатлар методларида аниқ ва ишончли ориентирланиш ҳал қилувчи бўлмаса ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ориентирлаш карталарида ориентирлар аниқ ва барқарор ифодаланган бўлса, бола уларни уларни ишонч билан излайди”.

Муваффақиятли ўзлаштиришнинг 80% и ориентирлашнинг қанчалик тўғри ва яхши амалга оширилишига боғлиқ.

Ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг психологик технологиясини билишлари ва билимларни интеграциялаш усули билан эгаллаши, билимдон ва ижодий фикрлайдиган, мавжуд шароитларни, ҳар томонлама баҳолашни назарда тутадиган қарорлар қабул қилишга ўргатиш, илмий билимларни трансляциялаш ва педагогик методлар тизимига киритиш учун таҳлил қилиш, шунингдек, ўқувчиларни билан коммуникация усулларига ўргатиш чоғида ўзлаштирилиши лозим. Индивидуал ёндашув ҳамма ҳолларда ҳам чуқур илмий мазмун асосида ташкил этилганида самарали натижа беришлигини унутмаслик керак. Айни шу ўқувчи билан мулоқот жараёнида ўқитувчи унинг билимларини баҳолайди ва билиш жараёнини керакли йўлга солади. Ўқитишни индивидуаллаштириш, бир томондан, ўз шахсий таълим олиш йўлини танлаш имконияти, иккинчи томондан, ўқитувчининг ўқувчи билан махсус мулоқот шаклидир, ўқитишнинг табақалаштирилиши ўқув фаолиятининг

ижодий стилини ривожлантиради, ўқувчини ўқув жараёни объектидан субъектига айлантиради.

Юқорида баён қилинган фикрларга асосан, равшанки, билиш жараёни бирор компонентлар (эндиликда тадқиқ қилинган ёки ҳали ўрганилмаган) тўпламини ўз ичига олган тизимдир. Бу тизимнинг структураси ва амал қилиш механизмини билган ҳолдагина уни бошқариш мумкин бўлади. Айтилган фикрларга асосан, кўрсатилган вазифани ҳал этиш учун ўқитиш технологиясига тайёрлаш учун уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб, қобилиятларни аниқлашнинг энг тўғри йўли – бу ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги муваффақиятлари динамикасини аниқлашдир.

ХУЛОСАМ шундан иборатки, Юқорида баён қилинган фикрлардан шу нарса келиб чиқадики, билиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи зарурий омил назарий (психологик-педагогик) асослар ва уларнинг амалий рўёбга чиқарилишини ўқувчиларнинг фаол ва самарали билиш фаолиятини, уларнинг интеллектуал, касбий ва ижодий қобилиятларини ривожлантирилишини таъминловчи ўқитиш методлари ва шаклларининг бирлиги каби тушуниладиган ўқитиш технологиясидан фойдаланишдир. Шунини ҳисобга олиш керакки, ўқитиш жараёнида бир функцияларнинг ривожланиши бошқаларининг ҳам ривожланишига ёрдам беради, бу эса умуман шахснинг интеллекти ва психикасининг ривожланишига олиб келади.

#### **Адабиётлар:**

1. Муҳаммаджонов А. Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX – начала XX в. Тошкент, «ФАН», 1978. – 44 б.
2. Каримова В.М., Суннатов Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш: (Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма) – Т.: Шарқ, 2000. – 112 б.
3. Каримова В.М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик технологияси. – Т.: 2000.

4. Давлетшин М.Г., Туйчиева С.М. Умумий психология. Тошкент. 2002 й
5. Давлетшин М.Г. Замоनावий мактаб Ўқитувчиси психологияси. Тошкент. 1998 й
6. Бахадирова С.Р. Педагогика ва психология асослари Тошкент-2016
7. Siddiqova, S. (2021). ЎҚУВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. *Джизакское инновационное образование*, 1(1).
8. Siddiqova, S. (2022). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛОВЧИ, ИЖОДКОР ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(3).
9. Siddiqova, S. K. (2021). INCREASE THE CREATIVE ACTIVITY OF STUDENTS COGNITION IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *Theoretical & Applied Science*, (2), 24-26.
10. Siddiqova, S. (2022). ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ, ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(3).
11. Siddiqova, S. (2021). ЎҚУВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. *Джизакское инновационное образование*, 1(1).
12. Siddiqova, S. (2021). ЎҚУВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. *Джизакское инновационное образование*, 1(1).
13. Siddiqova, S. (2022). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛОВЧИ, ИЖОДКОР ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(3).
14. Siddiqova, S. K. (2021). INCREASE THE CREATIVE ACTIVITY OF STUDENTS COGNITION IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *Theoretical & Applied Science*, (2), 24-26.

- 15.Siddiqova, S. (2022). ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ, ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(3).
- 16.Siddiqova, S. (2021). ЎҚУВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ. *Джизакское инновационное образование*, 1(1).
- 17.Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ВЕРТУАЛ СТЕНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5620>
- 18.Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАША ОЛИШ ТАФАКУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746>
- 19.Soibnazarova, M. (2022). YOSHLAR TARBIYASIDA ABDURAHMON JOMIYNNIG ASARLARIDAN FOYDALANISH. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5634>
- 20.Sanakulova, Z. A., & Soibnazarova, M. N. (2017). Modular training as a pedagogical technology. *Pedagogicheskoe masterstvo: X Mezhdunarodnaya nauchnaya konferentsiya*, Moskva, iyun'2017
- 21.Soibnazarova, M. (2022). ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА МУТАФАККИРЛАРНИНГ ФИКРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5573>
- 22.Санакулова, З. А., & Соибназарова, М. Н. (2017). Модульное обучение как педагогическая технология. In *Педагогическое мастерство* (pp. 20-22).

23. Санакулова, З. А., Соибназарова, М. Н., Бойтураева, Н. И., & Юлдашев, Ш. Э. (2016). Психологические условия формирования навыков самостоятельного мышления у учащихся. Молодой ученый, (8), 1022-1024.
24. Axmedova, S. (2022). MAKTABLARDA O'QITISH TIZIMINING TA'LIM OLUVCHILAR YOSHI BILAN BOG'LIQLIGI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5879>
25. Axmedova, S. (2022). SAMARALI RAHBARLIKKA XOS XISLATLAR. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5102>
26. Axmedova, S. (2022). TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARINING MA'NAVIY QIYOFASI, MADANIYATI VA UNGA QO'YILGAN TALABLAR. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4904>
27. Axmedova, S. (2022). TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5881>